

ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРИ

Даминов О.О., Назирова Х.Ш., Тошкент давлат техника университети

Ўқитишнинг интерфаол методлари деганда ўқиш жараёнини ташкил қилишга йўналган ва ўқиш жараёнини ташкил қилишга йўналган ва ўқиётганларнинг ўзаро ва ўқитувчи билан мулоқоти жараёнида, ўзаро таъсир ва бир-бирини ўқитиш жараёнида ўқиётганларни ўқув материални мустақил, ташаббусли ва ижодий ўзлаштиришга мотивацияловчи шароитларни яратишга йўналган педагогик омиллар ва услубларнинг мажмуи тушунилади [1].

Интерфаол методик ёндашув – бу билим олиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил қилишнинг алоҳида шакли бўлиб, унда ўқиётган билим олиш жараёнига нафақат киришиб кетган, балки ўзлари билганлари ва ўйлаётганлари бўйича ҳам ўзларини эркин тутиш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол ўқитишда педагогнинг вазифаси ўқиётганларнинг фаолиятини йўналтириб туришда бўлади. У интерфаол машқлар ва топшириқлар мажмуи сифатида дарс режасини ишлаб чиқади, унинг устида ишлаётганла ўқувчи материални ўрганади. Интерфаол топшириқларнинг оддий топшириқлардан принципиал фарқи шундаки, уни бажариши давомида ўқиётган ички кечинмаларга рағбатланади, бу эса материални чуқур ўзлаштиришдан ташқари, унинг қадриятли қайта англаш ва ундан экзистенциал ориенторларни ажратиб олишга кўмаклашади. Интерфаол ўқитишнинг бошқа фарқи – унинг давомида ўрганилган материал нафақат мустаҳкамланади, балки янги материал ҳам ўрганилади.

Замонавий таълимнинг муаммоларидан бири – анъанавий ўқитишдан интерфаол ўқитишга самарали ўтишдир. Анъанавий таълимдаги кризис, буни педагогларнинг кўпчилиги тан олишади, ўқитишдаги қуйидаги қарама-қаршиликларда кузатилади:

– *билим олишга бўлган мотивация ва рағбатлантириш орасида:* анъанавий ўқитишда рағбатлантириш мотивациядан устун туради, ўқитувчилар ўқувчилар ўқишни исташмайди деб шикоят қилишади, ўқувчилар эса ўқиш зерикарли, бир хил эканлигига, ўқиш қийинлигига арз қилишади;

– *ўқув фаолиятининг песси – кузатувчан ва фаол қайта ўзгартирувчи турлари орасида:* анъанавий ўқитишда пассив кузатувчанлик машғулотнинг кўп вақтини олади, масалан, ўқитувчи янги материални тушунтиради, ўқувчилар эса уни эшитишади ёки эшитишмайди;

– *психологик комфорт ёки дискомфорт орасида:* анъанавий дарсда жонли, эркин табиий мулоқот учун шароит жуда кам яратилади;

– *тарбиялаш ва ўқитиш орасида:* оддий машғулотда ўқиётганларнинг тарбиявий ўзаро таъсири ўқитувчи томонидан ман этилади, уларда суҳбатлашиш, бир-бирини тузатиш, баҳолаш имкони бўлмайди;

– *индивидуал ривожланиш ва таълим стандартлари орасида:* анъанавий ўқитишда ҳар бир ўқиётганга индивидуал ёндашиш жуда кам амалга оширилади;

– субъект-субъектли ва субъект-объектли муносабатлар орасида: анъанавий машғулотда деярли доим “субъект-объект” ўзаро муносабати принципи амалда бўлади.

Интерфаол ўқитиш бу камчиликларни баратараф этишга ёрдам беради. Интерфаол ўзаро таъсир давомида ўқиётганларнинг билим олиш фаолияти фаоллашади, уларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги ортади. Билиш, ўқув материални ўзлаштириш жараёнидаги ҳамкорликдаги фаолият ишни билдирадики, унда ҳар бир иштирокчи ушбу жараёнга ўзининг алоҳида индивидуал улушини қўшади, билимлар, ғоялар, фаолият усуллари, қадриятлар алмашинуви содир бўлади. Бу хайрихоҳлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш муҳитида содир бўлади, бу эса нафақат янги билимларни олиш, балки билиш фаолиятининг ўзини ривожлантириш, уни кооперация ва ҳамкорликнинг юқориқ шаклларига ўтказиш имконини беради. Машғулотларда интерфаол фаолият диалогли мулоқотни ташкил қилиш ва ривожлантиришни назарда тутди, у бир-бирини тушунишга, ҳамкорликда амалларни бажаришга, умумий, лекин ҳар бир иштирокчи учун аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳамкорликда ечишга кўмаклашади. Интерфаол ўқитиш ўқиётганлар ўзларининг муваффақиятлиликларини, ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини сезадиган ўқитишнинг қулай шароитлари яратилишини назарда тутди, бу ўқитиш жараёнининг ўзини маҳсулдор қилади. Диалогли ўқитиш давомида ўқиётганлар танқидий фикрлашни, шароитлар ва мос информация таҳлили асосида мураккаб муаммоларни ечишни, альтернатив фикрларга баҳо беришни, пишиқ ўйланган қарорлар қабул қилишни, баҳсларда иштирок этишни, бошқа одамлар билан мулоқотда бўлишни ўрганишади. Интерфаол ўзаро таъсир ўқитиш субъектларининг интеллектуал фаоллигига кўмаклашади, бундан ташқари “юктириш” каби психологик феномен иштирок этади ва ҳамсуҳбатбилдирган исталган фикр беихтиёрий равишда ушбу масала бўйича ўзининг реакциясини қўзғатишга қодир.

Интерфаол ўқитишдан фойдаланиш ўқиётганларнинг баҳолаш ва танқидий фикрлашларини ривожлантиришга, реал масалаларни ва қарорларни ишлаб чиқишда машқ қилиш, ўхшаш муаммоларнинг устида кейинчалик самарали ишлаш учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллашга ёрдам берадиган амалларни ўзига қамраши керак [2].

Интерфаол ўқитиш таълимнинг тарбиявий функциясини тўлиқ даражада реализация қилади ва натижада ўқиётганнинг ички диалогига, ички чақириғига чиқади, бусиз экзистенциал ориентирларни эгаллаб бўлмайди. Олинган информацияни ичдан кечиниш уни ўқиётганнинг шахсий тажрибаси билан солиштиришга, ундан шахсий маънони ажратиб олишга кўмаклашади.

Ўқитиш интерфаол шакллариининг моҳияти ҳақида батафсил тасаввур ҳосил қилиш учун 1-жадвалда ўқитишнинг анъанавий ва интерфаол шакллариининг қиёсий характеристикасини келтирамиз.

Ўқитишнинг анъанавий ва интерфаол шакллариини солиштириб, улар орасидаги асосий фарқларни ажратиш мумкин: ўқитишнинг анъанавий усуллари асосан фақат ўқувчининг интеллектига эътибор қаратади, интерфаол ўқитиш эса ўқиётган шахсини бутунча – унинг фикрлари, ҳиссиётлари,

билимлари, қизиқишлари ва ўйинга интилишларини – бутунича қамрайди. Интерфаол шакллар ёрдамида ўқитиш “билимларни ўзиники қилиб олиш” билан кечади.

1-жадвал.

Ўқитишнинг анъанавий ва интерфаол шакллариининг қиёсий характеристикаси

Ўқитишнинг анъанавий шакли	Ўқитишнинг интерфаол шакли
1. Физиологик ривожланиш ва ижтимоий таъриф билан белгиланади.	1. Шахс ривожланиши бўйича масалалар ва касбий маҳоратлар билан белгиланади.
2. Ўқув жараёнини режалаштириш ўқитувчи томонидан амалга оширилади.	2. Ўқув фаолияти ўқиётганлар билан ҳамкорликда режалаштирилади.
3. Ўқиётганларнинг ўқув фаолияти билимларни узатишга йўналган.	3. Таъриба асосида янги билимларни излашга йўналган.
4. Машғулотда ўқиётганлар фаолиятини баҳолаш ўқитувчи томонидан амалга оширилади.	4. Ўқиётганлар билан бирга ўз-ўзини баҳолаш ва ўзаро назорат.
5. Ўқитишнинг гуруҳий ва индивидуал усуллари.	5. Ўқитишнинг жамоавий, гуруҳий, жуфтликдаги, кичик гуруҳли ва индивидуал усуллари комбинациялашган.
6. Ўқиётганнинг билимий ва ҳиссий жабҳалари ва унинг индивидуал имкониятлари ҳисобга олинмайди.	6. Ўқитиш амалиётида билимий ва ҳиссий жабҳаларнинг доимий биргаликдаги, диалог ва янги билимларни очиш вазияти.

Ўқитишнинг анъанавий ва интерфаол шакллариини солиштириб, улар орасидаги асосий фарқларни ажратиш мумкин: ўқитишнинг анъанавий усуллари асосан фақат ўқувчининг интеллектга эътибор қаратади, интерфаол ўқитиш эса ўқиётган шахсини бутунича – унинг фикрлари, ҳиссиётлари, билимлари, қизиқишлари ва ўйинга интилишларини – бутунича қамрайди. Интерфаол шакллар ёрдамида ўқитиш “билимларни ўзиники қилиб олиш” билан кечади.

Ўқитишнинг интерфаол шакллари ўқув жараёнларида психологик энергиядан фойдаланиш имконини беради, улар ўқиш мотивациясини кучайтиради, мураккаб шахслар аро ўзаро боғланишларни тушунишга қўмаклашади, индивидуал ҳулқ-атвор хусусиятларини ўрганишга ёрдамлашади. Ўқитишнинг интерфаол шакллариини қўллаш, ўқитишнинг анъанавий шакллариини қўллашга нисбатан, ўқиш мақсадларининг кенг спектрига тўлиқроқ эришиш имконини беради.

Анъанавий ўқитиш шаклларига нисбатан ўқитишнинг интерфаол шакллари ҳақида гап кетганда, уларни нафақат бир-бирига қарши қўйиш, балки улар бир-бирини тўлдириши кераклигига урғу бериш лозим. Бу машғулотда ўқиётганларнинг фаоллик даражасини бир-бирига қўшади.

У ёки бу ўқитиш шакллариини қўллаш натижасида қўзғаладиган фаоллик даражасини баҳолаш, бизнинг фикримизча, етарли даражада асосланган бўлиши керак. Бунинг учун ўқиётганлар фаоллиги камоён бўлишининг бир неча аспектларини кўриб чиқамиз. Таълимий жараёнда ошқора кўринишда улардан учтаси: фикрлаш, ҳатти-ҳаракат ва нутқ – намоён бўлади. Бу ерда фикрлаш деганда ижодий фикрлаш, ҳатти-ҳаракат билимларни олишга

йўналган, нутқ мазмуни эса – ўқув фаолияти жараёни ёки натижалари билан боғланган деб ҳисобланади. Таълим жараёнига бўлган замонавий қарашлар позициясидан ва интерфаол ўқитиш принципларини инобатга олганда фаоллик намоён бўлишининг яна бир аспекти – ижтимоий-психологик адаптацияни қўшиш керак. Бунда анъанавий триода – билимлар, маҳоратлар, кўникмалардан ташқари ўқиётган таълим муассасада бўлажак касбий фаолиятни, уни амалга ошириш шароитларини ижтимоий-жамоавий ва ишлаб чиқариш боғланишларининг турли-туманлигида уларни амалга оширишнинг шароитларини реал ҳиссий-шахсий идрок қилишга максимал яхшилашган ҳолда олиши керак. Буларга биз ўқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-психологик омилларни, биринчи навбатда, таълим жараёнининг ҳамма даражаларидаги мотивацион омилларни ҳам киритамиз. Фаоллик ушбу турининг намоён бўлиши интраперсонал даражада содир бўлади ва ўқувчи томонидан унчалик даражада англабмайди, лекин ўқув жараёнида бошқалар билан бир қаторда реализация қилинади.

Ўқиётганларнинг фаоллиги фаолликнинг шу тўрттала тури реализация қилиниши сифатида намоён бўлади. Машғулот турига қараб улардан биттаси ёки бир нечтаси фойдаланилиши мумкин. 1.2-жадвалда бизнинг ўқиётганлар фаолликнинг қайси аспектларидан кўпроқ фойдаланишлари ҳақидаги тасаввуримизга мувофиқ ўқитишнинг асосий шакллари келтирилган. Демак, фаоллик даражаси машғулотда ўқиётганлар тўртта турининг қайсилари ва нечтаси реализация қилинишига қараб баҳоланиши мумкин.

Кўп ҳолларда, одатда фойдаланилмайдиган, у ёки бу омиллардан фойдаланиш имконини берадиган қўшимча процедуралар ва ўйинли услубларни ўқиш жараёнига қўшимча киритиш мумкин. У ёки бу қўшимча услублар ва процедуралардан фойдаланиш, машғулотдаги фаолликни оширади, лекин бу уни тубдан ўзгартирмайди. Бундан ташқари, бир тарафдан, оддий ўқиётган томонидан бир пайтда фаолликнинг ҳамма турларини амалга ошириш имконияти камлигини ҳисобга олиш керак. Амалда у бараварига иккитадан ортиқ ишни бажара олмайди (ижтимоий-психологик омилни ҳисобга олмаганда). Масалан, конспект ёзиш ва фикрлаш. Иккинчи тарафдан, ички фаолликни ташқаридагидан бутунлай узиш қийин масала.

Хулоса. Ўқитишнинг интерфаол шакллари таҳлил қилаётганда, ушбу муаммони қандай тушуниш билан боғлиқ бўлган талқин қилишлар, позициялар ва классификацияларнинг жуда кўплигини инобатга олиш зарур.

Адабиётлар:

1. Даминов О.О. Структурирование содержания интерактивного модульного самообучения и учения. Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этиш ва натижавийлигини оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий анжумани. Тошкент. ТошДТУ, 2014. 353-356 бб.
2. To'layev B.R., Daminov O.O., Hakimov J.O., Mirzaabdullayev J.B. O'qitishning innovatsion faol va interfaol metodlari nazariyasi va amaliyoti / B.R.To'layev tahriri ostida. – T.: Adabiyot uchqunlari, 2017. 196 b.